

технологик сарфининг бир қисми, Истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидағи технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, Таъминотчи корхона томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб Истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибида амалга оширилади.

3.11. ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан Истеъмолчининг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувоғиқ, бироқ бир ойда камидан бир марта ёки Истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Таъминотчи корхона Истеъмолчининг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идораларро электрон ҳамкорлик қилиш тизимида реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жами хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг электр энергияси ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пења бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун Истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пења ҳисоблаб ёзилади. Бунда пењанинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. Истеъмолчи ва Таъминотчи корхона ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхонанинг қонуний талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;